



САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21-22 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон

Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва

ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари

ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ҳудудлараро ҳамкорлик, саноат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳаларидаги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидан.

Ишонамизки, самимий ва дўстона мулоқотлар, Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасида имзоланган, ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларини қамраб олган ҳужжатлар стратегик ҳамда амалий шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташрифнинг иккинчи куни олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди.

Уни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Икки давлат байроқлари, гуллар билан безатилган Урганч халқаро аэропортида миллий кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Хива шаҳрига ташриф буюрди.

Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар якунида давлатимиз раҳбари ўзбек ва озарбайжон халқлари муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, қардош халқларимиз азалдан борди-келди қилиб, бир-бирининг маданиятини бойитган. 2500 йилдан зиёд тарихга эга Хива бунда муҳим ўрин тутган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг бу қадимий шаҳарга ташрифи катта аҳамиятга эга.

Ичан қалъа нодир шаҳар-ёдгорлик сифатида диққатга сазовор. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор. Шу боис, Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатида киритилган.

Давлат раҳбарлари Ота дарвозадан кириб, Кўк минора, Кўхна арк саройи, Шерғозихон мадрасаси, Жума масжиди, Тош ҳовлини томоша қилди, Алломалар музейи билан танишди.

Хоразмча кўшиқ ва рақслар ижроси меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Президентлар Ичан қалъа яқинидаги Нуриллабой саройини ҳам бориб кўрди.

Бу мажмуани 1884 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз қурдирган. Кейинчалик қўшимча бинолар ҳам барпо этилиб, бешта ҳовлидан ташкил топган. Саройда ҳам шарқона, ҳам европача услубдаги архитектура ажойиб тарзда уйғунлашган. Яна бир эътиборли жиҳати, XX аср бошларида кўпгина сиёсий жараёнлар айнан шу саройда кечган.

Хиванинг давлатчилик ва илмфан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати озарбайжонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон ва Озарбайжон: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларини тарихан яқин муносабатлар, ўхшаш тил, урф-одат ва анъаналар, туташ адабий муҳит бирлаштириб туради.

Озарбайжон Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1995 йил 2 октябрда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Сўнгги йилларда янги динамикага эга бўлган муносабатлар ривожланишида икки давлат раҳбари ўртасидаги доимий мулоқотлар алоҳида ўрин тутди. Хусусан, 2017 йилдан буён олий даражадаги мулоқотларнинг фаоллашгани вазирлик, идоралар, парламентлар ва жамоат бирлашмалари ўртасида делегациялар алмашинувини жадаллаштиришга йўл очди. 5 йил давомида 40 дан ортиқ ана шундай ташрифлар амалга оширилди.

Президент Илҳом Алиевнинг 2022 йил 21-22 июнь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифини мамлакатларимиз ҳамкорлик ривожига янги босқич сифатида кўриш мумкин.

Ташриф арафасида Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-форум доирасида қиймати 500 миллион доллардан ортиқ битимлар имзоланди.

Икки мамлакат ҳудуди орқали ўзаро ва транзит юк ташишни кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар жорий қилиниши эса транспорт ва логистика соҳасида Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлигини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз етакчи компаниялари ва тадбиркорлари ўртасидаги учрашуларда ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкоридир. Кейинги йилларда ўзаро савдо эркин савдо режимида амалга оширилмоқда.

2022 йил январь-май ойларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49,1 фоизга ўсди ва 66,4 миллион долларни, экспорт 70,7 фоизга ўсиб, 48,1 миллион долларни, импорт 11,9 фоизга ошиб, 18,3 миллион долларни ташкил этди.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 7 баробар ўсиб, 2016 йилда 17,1 миллион доллардан 2021 йилда 118,8 миллион долларга етди. Шу билан бирга, экспорт ҳажми 5,8 баробар — 13,1 миллион доллардан 75,9 миллион долларга, импорт ҳажми 10 баробар — 4 миллион доллардан 42,9 миллион долларга ошди.

Шу билан бирга, савдонинг ўсиш тенденциясига қарамай, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўзгаришсиз қолмоқда. Масалан, 2021 йилда Ўзбекистоннинг умумий савдо айланмасида Озарбайжоннинг улуши атиги 0,3, экспортда 0,5, импортда 0,2 фоизни ташкил этди. Озарбайжоннинг умумий савдо айланмасида Ўзбекистоннинг улуши тахминан бир хил кўрсаткиччи ташкил қилади. Шу муносабат билан ўзаро товар айирбошлаш, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг изчил диверсификация қилиниши биргаликда учинчи мамлакатлар бозорларига чиқиш имконини беради.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲАР БИР СОҲА ИСТИҚБОЛИНИ ИЖРО ИНТИЗОМИ БЕЛГИЛАЙДИ

Янги Ўзбекистондаги энг муҳим ўзгаришлардан бири — давлат ва халқ бирлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани, давлат бошқаруви органларининг аҳолига яқинлашгани, бошқача айтганда, Президентимиз илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган конституциявий тамойил амалда ўз ифодасини топгани билан аҳамиятли.

Очиғи, бунга осонликча эришилгани йўқ. Ўтган йиллар давомида давлат бошқаруви механизмлари янгилангани, халқ билан мулоқотнинг содда ва самарадор усул ҳамда услублари

ҳаётга татбиқ қилингани, энг асосийси, раҳбар ходимлар ва давлат хизматчилари онгу тафаккури, дунёқараши туддан ўзгариб бораётгани бу борада халқ қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Яъни бугун барча бўғиндаги раҳбарлар аввалгидек салқин кабинетларда эмас, “пастга тушиб”, маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб ишлашга, қишлоқ ёки овулларда яшаётган одамлар дарду ташвишига шерик бўлишга, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўзи кўриб, унга ечим топишга ҳаракат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

МУЛОҲАЗА



ҲАЗРАТИ КИТОБ ОҒУШИДА

Инсоният тарихида амалга оширилган юзта буюк ихтиро сафидан китоб деб аталмиш маънавий хазина ҳам жой олганини биласизми? Унинг беқиёс нажоткор қудратини тасаввур қиласизми? Китобларга ошно қалбларда юксак инсонийлик фазилатлари бир умрлик қуртак ёзишдан хабардормисиз?

Жамики муаммоларнинг адолатли ечими шу хазинада эканини-чи? Буюк алломалар китоблар жамиятни не-не балолардан қутқаради, деб бежиз айтмаган. “Ўқиган китобларингни айт, мен сенга кимлигингни айтаман”, дейиш ҳам мумкин.

Давоми 6-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон ва Озарбайжон: муносабатларнинг янги босқичи



Юрий КҮТБИТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази катта илмий ходими

Бошланиш 1-бетда

Савдо-иқтисодий ҳамкорлики кенгайтириш глобал беқарорлик ва зарур маҳсулотларни етказиб бериш занжирлари узилиши шароитида янада долзарб бўлиб бормоқда. Шу нуктаи назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ўзаро таъриба алмашиш ва бу борада келгусидаги ҳамкорлики янада ривожлантириш истиқболлари муҳим аҳамият касб этади.

2022 йилнинг январь-март ойларида Озарбайжон билан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товар айирбошлаш ҳажми 3,8 минг тоннани ташкил этиб, умумий қиймати 5,3 миллион доллар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази мутахассислари томонидан олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра,

Озарбайжонга қуйидаги маҳсулотлар турларини экспорт қилиш имконияти мавжуд: тўқимачилик ва кийим-кечак, чарм ва пойабзал маҳсулотлари, электр кабеллари, мониторлар, музлатгичлар, трансформаторлар, кондиционерлар, сув иситкичлар, электр печлари, қир ювиш машиналари, ҳимоя ва коммутация электр занжирлари ускуналари. Шу билан бирга, электротехника sanoati корхоналари учун Озарбайжондан алюминий импортини ошириш мумкин.

Бундан ташқари, марказ экспертлари фикрига кўра, Ўзбекистон "Digital trade hub" ташқи савдо учун ягона платформани яратиш бўйича Озарбайжон тажрибасидан манфаатдор, бу савдогарларга, шу жумладан, хунармандларга Azerporg.az, Amazon, Alibaba, Allbiz, Indiamart ва бошқа онлайн платформалар орқали онлайн савдо қилиш имконини беради.

Ўз навбатида, маҳаллий кийим-кечак ва чарм-пойабзал маҳсулотларини Озарбайжон бозорига олиб чиқиш ҳамкор мамлакат шаҳарларида "Ўзтўқимачиликсаноат" ва "Ўзармсанеоат" савдо уйлариини очиш имконини беради.

Молия соҳасидаги ҳамкорлик ҳам истиқболли ҳисобланади. Масалан, мамлакатимиз тижорат банклари Озарбайжонга Ўзбекистондан товарларни олиб кириш учун кредит линияларини очишни, йирик банklar учун эса Озарбайжоннинг аҳоли зич жойлашган шаҳарларида молиявий хизматлар кўрсатиш учун филиаллар очиш масалаларини ишлаб чиқиши тавсия этилади.

Бундан ташқари, инвестициявий ҳамкорликда фойдаланилмаган салоҳият ва катта истиқболлар мавжуд. Маълумки, Озарбайжонда диверсификацияни чуқурлаштириш ва нефтдан бошқа sanoat сектори улушини ошириш орқали иқтисодий ривожланишнинг нефтга боғлиқлигини минималлаштириш вазифаси қўйилган. Шу муносабат билан икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида sanoat кооперациясини кенгайтириш, учинчи мамлакатларга экспорт қилиш учун рақобатдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни яратиш ушбу муаммони ҳал этиш имконини беради.

Хусусан, Ўзбекистон "Европа Иттифоқининг Универсал имтиёзлар тизими" (GSP+) бенефициари мақомини олди. Буюк Британиянинг худди шундай ривожланаётган давлатлар учун жорий этилган мақоми Ўзбекистонга ҳам берилди. Шу боис, мамлакатимиз худудида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош товарлар, хусусан, тўқимачилик, электротехника sanoati товарлари, мева-сабзавот маҳсулотлари, шу жумладан, қайта ишланган, тегишли мувофиқлик сертификати мавжуд бўлса, Европа Иттифоқи ва Буюк Британия бозорларига божсиз етказиб берилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Озарбайжон капитални иштирокида Ўзбекистон худудида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этилса, ушбу маҳсулотларни Европа бозорига божсиз етказиб бериш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, агар Озарбайжоннинг транспорт логистикасидан Европaga товарларни етказиб бериш учун фойдаланилса, транспорт харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва бу орқали экспорт қилинадиган маҳсулотлар рақобатбардошлиги ошади.

Мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли сармоявий ҳамкорлиқнинг яна кўплаб мисолларини келтириш мумкин. 2021 йилда 64,1 миллион долларлик Озарбайжон инвестицияси ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2022 йилда 82,4 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капитални иштирокида 243 та корхона ташкил этилган бўлиб, шундан жорий йил бошидан буён 16 та корхона, Озарбайжон компанияларининг 3 та ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Уларнинг асосий фаолияти йўналишлари савдо, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, молия ва сугурта, қўшмас мўлк операциялари, энергетика, хизматлар, заргарлик бўюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, озиқ-овқат sanoati, енгил sanoat, фармацевтика кабилардир.

Ўз навбатида, Озарбайжонда ҳам Ўзбекистон капитални иштирокида sanoat кооперацияси лойиҳалари амалга оширилди. Масалан, Озарбайжоннинг

Ҳажигабул шаҳрида "UzAuto Motors" АЖ ва "Азермаш СР" заводи негизига фаолият юритувчи "SamAvto" МЧЖ ҚҚ йиғиш линиялари ишга туширилди. Йилига жами 5 минг донагача "Nexia", "Cobalt", "Damas" ва "Labo" автомобилларини, "SamAvto" автобусларини эса минг донагача ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, уруғчилик соҳасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Озарбайжон Ўзбекистон қўмағида пахтанинг бир қатор навларини етиштирмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Озарбайжондан юқори маҳсулдор ер ёноқ навлари қўчатларини олишни режалаштирмоқда. Озарбайжонда пиллачиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳасини биргаликда амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Қуйидаги соҳаларда қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш икки томонлама сармоявий ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишларидан бўлиши мумкин:

— Озарбайжонда алюминий ишлаб чиқарилишини (йилига 50 минг тонна атрофида) ҳисобга олган ҳолда, электротехника sanoatiда. Бу маҳсулот асосан хомашё шаклида экспорт қилинади ва электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланилиши мумкин. Шу муносабат билан Озарбайжонда алюминий хомашёси асосида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, жумладан, учинчи мамлакатларга экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон билан қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратиш истиқболлари мавжуд;

— Озарбайжонда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё бўлиб чиқатиш мумкин бўлган пахта етиштиришни ҳисобга олган ҳолда, тўқимачилик sanoatiда. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази мутахассислари Озарбайжонда тўқимачилик ва тикувчилик қўшма корхонасини яратиш истиқболларини яхши баҳолаган;

— қурилиш соҳасида Озарбайжоннинг йирик минерал вата (AzerFloat), гипс блоклари ва панеллари, декоратив-пардозлаш материаллари, гидроизоляция ва керамогранит (STP, Penetron Azerbaijan)

ишлаб чиқарувчилари билан қўшма корхона ташкил этилиши мумкин. Қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик Озарбайжоннинг Қорабоғ ва Зангелан туманлари ерларини тиклаш ва ўзлаштириш режаларини амалга оширишга ўзбек ишбилармон доиралари ва қурилиш компанияларини жалб қилишдан манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда долзарбдир;

— энергетика соҳасида Ўзбекистон ва Озарбайжон компаниялари сармояларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон худудида қуёш электр станцияларини қуришда ҳамкорлик қилиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик салоҳияти ҳали тўлиқ очилгани йўқ ҳамда иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиршини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Транспорт соҳаси ҳам ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларига киради. Хусусан, 2021 йилда "Ўзбекистон — Туркманистон — Озарбайжон — Туркия" йўналишини бўйича темир йўл юқларини ташishi ҳажми 44 минг тоннани ташкил этди.

Ушбу транспорт йўлагида контейнер поездлари учун махсус тарифлар амал қилмоқда. Автомобиль транспорти орқали 35 минг тонна юк ташилди.

2022 йилдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида ҳаво транспортда йўловчи ва юк ташувлари тикланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида минг йўловчи ва 2,1 минг тонна юк ташилди.

Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон темир йўл муассасалари ҳамкорлиги доирасида халқаро мультимодал маршрут ишлаб турибди. 2020 йилнинг 28 январида Қирғизистондан Ўзбекистон худуди орқали Потти (Грузия) портига қадар биринчи синов темир йўл лойиҳаси муваффақиятли йўлга қўйилди.

"Боку — Тбилиси — Карс" темир йўли Ўзбекистоннинг муҳим транспорт йўлакларидан биридир.

Ўзбекистон ва Озарбайжон худудида ўтказиладиган сайёҳлик тадбирларида мунтазам ахборот ва таъриба алмашиш, ўзаро иштирок этиш туризм соҳа-

сидаги ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон томони ушбу соҳани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида тиббий туризмни ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишда Озарбайжон томони билан ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдор.

Қайд этиш жоизки, мажон иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатган глобал инқироз оқибатларига қарамай, Ўзбекистон ва Озарбайжон иқтисодиётида ижобий тенденциялар сақланиб қолди. Бу эса ҳар икки мамлакат танлаган ривожланиш моделлари ҳаётийлиги ва самардорлигини тасдиқлайди. Бу моделлар ўзида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари асосида ривожланишнинг янги йўналишларини шакллантириш тамойилларини акс эттирган.

Шу нуктаи назардан, Озарбайжон Иқтисодий ислохотларни таҳлил қилиш ва коммуникациялар маркази мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази экспертлари фикрича, Озарбайжон фермерлари электрон реестрини ўз ичига олган электрон қишлоқ хўжалиги (Е-Агро) тизимини қўллаш бўйича ижобий таърибани Ўзбекистонда қўллаш фойдали бўлиши мумкин. Бошланишига Тошкент вилояти туманларидан бирида қишлоқ хўжалиги электрон ахборот тизимини (Озарбайжоннинг ECTIS тизими мўқобили) пилот режимида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида космик сунъий йўлдошини масофадан туриб кузатишда фойдаланиш масаласини ўрганиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг барча йўналишлари — хоҳ иқтисодиёт, хоҳ сиёсат, хоҳ маданият ва ижтимоий соҳада ҳамкорлик бўлсин, ҳар икки мамлакат манфаатлари йўлида ривожланади.

Президентимиз бир неча бор таъкидлаганидек, Ўзбекистонга Озарбайжон ўртасидаги муттасил ривожланиб бораётган кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқалар биргаликдаги қатъий саъй-ҳаракатлар воситасида бундан буён ҳам кенгайиб боради.

Шу муносабат билан ўтган олий даражадаги музокаралар яқунлари бўйича, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари янги, янада юксак босқичга кўтарилишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

ТАРИХАН ЯҚИН ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Озарбайжон саммити яқунлари халқаро эксперт ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан катта қизиқиб қилиб ўрганилмоқда. Таҳлилчиларга кўра, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасида стратегик шериклиқни чуқурлаштириш учун янги уфқларни очди.

Игор ПАНКРАТЕНКО, Россия Стратегик баҳолаш ва таҳлил маркази эксперти:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзолади. Хўжкат икки мамлакат раҳбарлари ўртасида Тошкентда бўлиб ўтган самарали музокаралар яқунлари бўйича тuzилди.

Озарбайжон раҳбарининг ташрифи арафасида Тошкентда Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир давомида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ қўшма лойиҳалар ва савдо шартномаларини амалга ошириш бўйича қатор битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, Қўсарой қароргоҳида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан имзоланган йиғирмага яқин хўжкат ўзаро манфаатли шериклиқнинг ҳақиқий имкониятлари ва бугунги воқеали ўртасидаги номуносивибликни ижобий ўзгартиради.

Акпер ГАСАНОВ, "Day.az" ахборот агентлиги сиёсий шарҳловчиси:



— Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бу қадар самимий, илғиқ ва самарали бўлганида ажабланирли жой йўқ. Давлатимиз раҳбарининг Тошкентга ташрифи чоғида Ҳайдар Алиев номидаги хиббоннинг очилиши бўлиб ўтгани гоят рамзий маънога эга. Эътиборлики, у озарбайжонликлар истиқомат қилдиган Миробод туманида жойлашган. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги самимийлик ва ўзаро чуқур ҳурматнинг яна бир ифодасидир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фузулий туманида қардош мамлакат давлат бюджети ҳисобидан мактаб қуриш бўйича илгари сурган тақдирини Озарбайжон Президенти, бутун озарбайжон халқи жуда юксак қадрлайди. Дунёнинг турли минтақаларидаги меъморий обидаларни ўз маблагги ҳисобидан реставрация қилиш тажрибасига эга бизнинг мамлакатимизда ушбу

тақлифда ўзаро қўмак беришга бўлган бегариз интилиш намунасини кўришмоқда.

Ўтган асрда Ўзбекистонда ўз тарихий ватанидан мажбуран кўчирилган юз минглаб турли халқ вакиллари бошпана топпанини, улар ўзбек заминига ўзларига ниобатан илғиқ муносабат кўргани ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайдиган тарихий воқеадир. Ушбу инсонларнинг барчаси учун Тошкент нон шаҳрига, қадрдон маконга айланди. Бу унумдор ўзбек заминига яшаётган ўн минглаб озарбайжонликлар учун шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Павел БЕЙДА, Польша Сейми депутати, "Польша-Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи ҳамраиси:



— Озарбайжон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат учун муҳим ва жуда фойдали воқеадир. Албатта, бу, биринчи навбатда, ўзаро муносабатларнинг иқтисодий таркибий қисмини ривожлантириш ва чуқурлаштириш нуктаи назаридан муҳим ташриф бўлди. Импорт, экспорт, инвестициялар, капитал оқимлари, янги тармоқларни очиш, технологиялар алмашишуви — бу икки томонлама иқтисодий муносабатларни қисқа ва ўрта муддатда қуриш керак бўлган йўналишлардир.

Икки мамлакат улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Ўзбекистон ва Озарбайжонда ҳусусий секторнинг самарали фаолияти юртиши уларнинг иқтисодий ўсиши ва фаровонлигини таъминлайди, камбағаллик ва мулкий тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради. Иккала мамлакат ҳам самарали, масъулятли, дорамадли корхоналарни қуриш бўйича катта таърибага эга ва ушбу таърибани бир-бири билан бўлишиш ҳар икки давлатда барқарор иқтисодий ривожланиш ҳамда янги иш ўринлари яратишнинг муҳим шартидир.

Ҳикмат ЗПЕН, "EkoAvrasya" — Еврооисё иқтисодий алоқалар ассоциацияси бошқаруви раиси (Туркия):



— Президент Илҳом Алиевнинг Тошкентга давлат ташрифи ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон заминига самимий қабул қилиниши, ташрифнинг сермизум кўн тартиби икки давлат раҳбарлари, давлатлар ва қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустақамлашни бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон сўнгги йилларда кўп қиррали ўзаро манфаат-

ли ҳамкорлиқни жадал кенгайтирмоқда. Икки давлат Президентлари стратегик шериклиқни янада мустақамлаш, уни янги амалий мазмун билан бойитиш, ҳамкорлиқнинг мавжуд улкан салоҳиятини рўёбга

Ал-Адиб САМУРИЙ, Малайзия Миллий университети ҳузуридаги Ислон цивилизацияси институти директорининг ўринбосари:



— Ўзбекистон ва Озарбайжон тарихий, маданий-маърифий алоқалар, анъана ва кадрларнинг яқинлиги боғлаб туради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш учун қулай замин яратди.

Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар томонларнинг ўзаро савдо ҳажмини ошириш, sanoat кооперациясини кенгайтириш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, нефть-газ, фармацевтика, агросаноат ва бошқа соҳаларда

ди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу ташриф Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлигининг барча йўналишларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ, "ANKASAM" — Анқара инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази директори:



— Ўзбекистоннинг Озарбайжон умумимиллий етакчиси Ҳайдар Алиевга бўлган ҳурмати юксак таҳсинга лойиқ. Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи Тошкент марказида Ҳайдар Алиев номидаги янгиланган кўча ва унинг ёдрорлиги очилиши билан бошланган ўзбек ва озар халқлари ўртасидаги азалий қардошлиқ алоқаларидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳайдар Алиев ҳақидаги "У киши XX асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди. Ҳайдар Алиевнинг қатъияти, қучли сиёсий иродаси ва

ли бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш тўғрисидаги декларация ташриф яқунлари бўйича имзоланган давлатлараро энг муҳим ва устувор ҳужжатлардан бирига айланди.

чиқариш, иқтисодиётларнинг бир-бирини тўлдирувчи омилларидан фойдаланиш тарафдори.

Ўзбекистон ва Озарбайжонда истиқболли ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суришга қаратилган қўшма Инвестиция фонди ташкил этилишини мамнуният билан қабул қиламиз. Ишончим комилки, мазкур жағмарма ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва икки мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларида муҳим лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё марказида жойлашганлиги транспорт ва логистика лойиҳаларини муваффақиятли ҳамда самарали ривожлантириш имконини беради. Шу нуктаи назардан, икки мамла-

кат раҳбарлари ўртасида транспорт коммуникациялари тизимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида, шунингдек, транспорт вазирлари раҳбарлигида ўзаро тўқисилари бартарасф этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида транспорт коммуникациялари, хусусан, мультимодаль транспорт йўлаклари, юк ташин тарифларини оптималлаштириш соҳасидаги ҳамкорлиқнинг ривожланиши қисқа вақт ичида ижобий натижалар бериши, икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқнинг янада жадал ўсишига туртки бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲАР БИР СОҲА ИСТИҚБОЛИНИ ИЖРО ИНТИЗОМИ БЕЛГИЛАЙДИ



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Бошланиши 1-бетда

Қолаверса, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилишга асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари халқ муҳокамасига қўйилаётгани, одамларнинг фикри, муносабати, таклифлари атрофлича ўрганилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу эса ҳужжатларни халқчил, пишиқ-пuxта тайёрлаш, улар ижросини самарали таъминлашда қўл келаётир. Амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги стратегик мақсадларга эришишнинг қудратли воситасига айланди.

“Инсон қадри учун” тамоийли — амалда

Ислохотлар самараси ҳар бир инсон ҳаётида акс этиши учун, аввало, ижро интизоми керак. Зеро, ҳар қандай ҳужжат ёки қарорнинг ҳаётдаги ижроси таъминланмаса, ислохотлар натижадорлиги юзага чиқмайди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қонунчилик ҳужжатлари, топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан механизмни шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига текзор етказиш, белгилаб берилган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича зарур чоралар қўриш каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юқорида номи келтирилган фармони талаблари ва берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминлаш бўйича Маданият вазирлиги тизимида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирликда ижро интизомида мустаҳкамлаш, танқидий таҳлил ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш, қабул қилинган қонунлар, Президент фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларини рўйхатга олиш, улар тегишли масъул шахслар ва ходимларга етказилишини таъминлаш, ижросини ўрганиш, назорат қилиш бўйича аниқ тизим йўлга қўйилган.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини ўз вақтида назорат қилиш, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар сабабларини аниқлаш, қолаверса, “Jlgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил май ойида “Jlgo.gov.uz” тизими орқали вазирликка 107 та топшириқ келиб тушди. Шундан 106 таси ўз вақтида, биттаси муддатидан ўтиб бажарилди. Июнь ойи бўйича тизимда 118 та топшириқ мавжуд ва уларнинг текзор ва сифатли ижроси бўйича кунбай чоралар қўрилмоқда.

Бу жараёнда масъулиятни ҳис қилмаган, берилган топшириқларини ўз вақтида бажармаган, хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга ҳам қатъий чоралар қўлланилган. Масалан, жорий йилнинг иккинчи чорагида 4 нафар соҳа ходимиға интизомий жазо чоралари қўрилган.

Мурожаатлар доимий эътиборда

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш бўйича му்தлақ янги тизимга асос солинди. Бундан қўзланган мақсад одамларнинг дарду ташвишларини эшитиш, оғирини енгил қилиш, аҳолининг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

66

“ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ” ДЕГАН ҒОЯ ИЛГАРИ СУРИЛГАНИ, КОНСТИТУЦИЯДА МАҲАЛЛАНИНГ МАҚОМИНИ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛГАНИ, ҲАҚИҚАТАН, ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН ЖУДА ВА ЖУДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАРДИР.

Маданият вазирлиги томонидан ҳам соҳага дахлдор тизимли муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топиш, мурожаатларни ўз вақтида қўриб чиқиш, аниқ-са, такрорий мурожаатларнинг олдини олиш, бунинг учун шахсий ва сайёр қабулларни ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ўрганиб бориш, улар билан ишлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 213 та (шундан 31 таси электрон, 34 таси оғзаки ҳамда 148 таси ёзма шаклда) мурожаат келиб тушди.

Уларнинг 135 таси қаноатлантирилди, 68 тасига тушунтириш берилди ҳамда 10 таси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”-ги қонунга мувофиқ рад этилди.

Вазирлик тизимида соҳани янада ривожлантириш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш учун “Ишонч телефони”

мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мушйқ билим ҳамда кўникмаларини ошириш, улар қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ишлар йўлга қўйилади.

Жумладан, эндиликда умумий ўрта таълим муассасаларида мусиқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта миллий чолғуларда куй ижро этиш амалий тўғрақлари ва факультатив дарслари ўтказилади. Ўқувчиларга миллий мусиқа чолғуларидан камид биттасида куй ижро этиш маҳорати ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатига тегишли қайд киритилади. Қолаверса, мактаблар ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар, мусиқа созлари билан таъминланади.

Президент қарори ижроси доирасида бир қатор тадбирлар ташкил этилиб, муҳим вазифалар амалга оширилди. Хусусан, мусиқий саводхонлиқни оширишга қаратилган лекторий концертларнинг бадийи дасури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ўшбу дастур асосида бугунги кунга қадар 35 та лекторий кон-



рига ижодий гастроль сафари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Маданият муассасалари томонидан ўзаролик тамойили асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрига гастроль сафарлари, худудларнинг “Маданият кунлари” тадбирлари ташкил этилди. Мисол учун, Бухоро вилояти ва Тошкент шахрида “Қорақалпоқ маданияти кунлари”, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида “Бухоро вилояти маданияти кунлари” сингари барча вилоятларнинг маданият кунлари ўтказиб боришмоқда. Бугунги кунга қадар ташкил этилган маданий-маърифий тадбирларга 1 миллиондан зиёд аҳоли жалб қилинди.

Бундай тадбирлар 2022 йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, худудлардаги маданият муассасалари ва давлат театрлари жамоаларининг 92 та худудга ижодий гастроль сафари ташкил қилинади. Давлат театрларида намойиш этиладиган спектакллarga 2 миллион 800 минг аҳоли жалб этилади ҳамда ижодий жамоалар 20 та халқаро фестивал ва гастролларга юборилади. Республика худудларида 446 та цирк томошалари намойиш қилинади. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг худудий бўлиmlари томонидан 950 та концерт дастурлари ўтказилади.

Бухоро вилоятида II Халқаро мақом санъати анжумани, Тошкент шахрида “Евроосиё” халқаро театр санъати фестивали, Ўзбекистон давлат сим-

Аввало, ўзимиз ибрат бўлишимиз керак

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳар биримиз учун муҳим дастуриламалдир. Унинг ижросини таъминлаш барчамиздан юксак масъулият, шижоат ва ғайрат талаб этади. Давлатимиз раҳбари доим такрорлайдиган “Энди орқага йўл йўқ, Ўзбекистон фақат олға юради!”, деган ибора санъат ва маданият соҳасига ҳам бирдек тааллуқли.

Шу маънода, биз ислохотни, аввало, ўзимиздан бошлаймиз. Маданият соҳасида фаолият юритадиган ҳар бир ходим, биринчи навбатда, ўзи маданиятли эканини, халқпарварлик, ҳалоллик, фидойилик, ватанпарварлик шунчаки ҳавоий гаплар эмас, юракдан ҳис қилса, натижасини ҳаётда кўз билан кўрса бўладиган воқелик эканини исботлаши зарур.

Ўзбекистон тараққиётининг янги даври, барча соҳаларда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар маданият соҳаси вакиллари олдиға ҳам жиҳдий талабларни қўймоқдаки, уларға тўла жавоб бериш учун бугун ўзимизни ҳам, иш услубимизни ҳам ўзгартаришимиз шарт.

Халқимизнинг ишончи, давлатимиз раҳбари олдимизга қўётган соҳани ислох қилиш каби заворли, ўз навбатида, машаққатли вазифаға муносиб бўлиш барчамиздан ҳамжихатлиқни, бир ёқадан бош чиқариб, бир мушт бўлиб меҳнат қилишни талаб этади.

Шу пайтгача ўзимизга талабни ҳам, мақсадни ҳам катта қўймадик, десак, хато эмас. Фаолиятимизнинг асл моҳиятини тушунамасдан, фақат тадбирбозлик ортидан чопиб, “Менинг ишим шу, маданият ходимининг

Ишонамизки, маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлар ўз меваларини узок куттирмайди. Бу, албатта, ижро интизоми таъминлашдаги масъулиятимизга боғлиқ. Бунни тизимдаги ҳар бир ходим тўлақонли англаб етиши, иш фаолиятини бугунги давр талабига мос ҳолда, аввало, ўзига талабчанлик руҳида олиб бориши зарур. Шундагина кутилган натижаға эришилади, шундагина Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйилади.

Янгиланган Конституция эртанги фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлади

Албатта, ҳар қандай соҳа ривожида, қабул қилинаётган ҳужжатлар замирида Конституциямиз асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бугун мамлакатимизда Бош қомусимизни такомиллаштириш бўйича жуда катта саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ўшбу жараёнда маданият соҳаси вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик бурчини адо этмоқда.

Жорий йилнинг 20 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда нима учун Асосий қонунимизни такомиллаштириш зарурияти тутилганини аниқ, ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берди ва конституциявий ислохотлар юзасидан ўз фикрларини билдириб, таклифларини айтди.

Хусусан, биринчи йўналиш сифатида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи кўрсатиб ўтилгани мамлакатимиз ўшбу сисёсатиға бундан кейин ҳам содиқ қолишининг ифодаси бўлди.

“Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган ғоя илгари сурилгани, Конституцияда маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш, мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилигини кучайтиришга қаратилган таклифлар билдирилгани, ҳақиқатан, жонажон Ватанимиз ривож, халқимиз фаровон ҳаёти учун жуда ва жуда муҳим ташаббуслардир.

“Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқчил давлат барпо этишни қўзлаганимиз. Бу шунинг аниқлиги, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлади, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади. Конституцияға давлат органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг илҳам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қондалар киритишни таклиф қиламан”, деди Президентимиз. Бу, шубҳасиз, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада кучайтиради.

Маълумки, Конституциявий комиссия томонидан умумлаштирилган таклифларни энди Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси тартибиде Парламент қули палатасига киритади. Парламентда улар чуқур муҳоқамадан ўтказилиб, янгиланган Конституция лойиҳаси тайёрланади. Қонунчилигимизға кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияға ўзгартиш киритиш ваколатига эға. Лекин Президентимиз Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳоқамасида қўриб чиқишини ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди. Бу давлат раҳбарининг ҳар бир масалада халқнинг фикрини, муносабатини биринчи ўринға қўйишидан яна бир далолат. Бу барча учун ибратдир.



© Ҳасан Мирзиев ошган суратлар.

(55-502-33-75), берилган саволларға қисқа жавоб қайтаришға мўлжалланган madaniyat.uz сайти орқали “JivoChat” ҳамда “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали @madaniyatvazirlikigamurojaot_bot фаолияти йўлга қўйилди.

Улуғ мақсадларға қанот бўлмоқда

Бугун Президентимиз ташаббуси билан маданият ва санъат соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар аҳолининг маданий, маънавий даражасини янги босқичға кўтаришға хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан мақсад йўлида одимлаётган халқимизға қанот бўлмоқда, одамлар руҳини янада кўтармоқда.

Президентимиз қабул қилаётган ҳужжатларда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш борасида мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, ёшларнинг бадийи-эстетик дидини тарбиялаш, уларнинг қалбиде ижодкорлик, бунёдкорлик, эзгулик туйғулари калом топтиришға доир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда.

Энг муҳими, ана шу ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва бекаму кўст таъминлаш орқали мамлакатимизнинг энг чекка қишлоғу овулларигача кириб боришмоқда. Пировардида, марказдан олис худудларда истикомат қилаётган фуқароларға ҳам маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражаси оширилмоқда. Республиканинг барча жойларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тадбирлари тизимли равишда йўлга қўйилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Ўшбу ҳужжатға



фоник оркестрининг “Янги Ўзбекистон” бoғида, Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ва “Халқлар дўстлиги” санъат саройида концерт дастурлари тақдим этилади.

Бундан ташқари, маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва умумий ўрта таълим мактабларида маданият ва санъат йўналишларида янги 150 та тўғарақ фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг умумий сони 5000 таға етказилади. Маданият вазирлиги тизимидаги 2 та маданият муассасаси реконструкция қилинади ва 3 та муассаса биносининг қурилиш ишлари якуниға етказилади. Бундай тадбирлар ҳақида яна қўллаб-мисоллар келтиришимиз мумкин. Муҳими, булар Президент қарорининг тизимли ижроси билан боғлиқ.

вазифаси тадбирларни чиройли ўтказишдан иборат”, деган тушунча билан шу ергача етиб келдик. Энди бу дунёқараш, бу муносабат билан олдинға силжиб бўлмайди. Биз энди катта марраларни қўзламасак, мақсадларимиз чегараларини янада кенгроқ олмадик, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Санъат ва маданият юксаклиги — қалб юксаклиги. Буюк асарларни, кашфиёт ва ихтироларни буюк қалб яратди. Буюк қалблар одатда эзгуликка лиммо-лим бўлади, улардан ёмонлик чиқмайди.

Ёшлар онгу қалбини эгаллаш учун кураш кескинлашган, мафкуравий таҳдидлар кучайган бугунги замонда санъат ва маданият ғалабаси — эзгулик ғалабасидир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР

ЖАВОБСИЗ САВОЛ,
ЕЧИМСИЗ МАСАЛАНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

Гап шундаки, маҳалла аҳлини анчадан буён худудга Wi-Fi тармоғи ўтказиш масаласи ўйлантириб келаётган эди. “Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти масъулларининг маҳалладаги ўрганиш-ларидан сўнг оптик толали тармоқ тортилиб, ўнлаб мурожаатчиларга интернет тарқатувчи ускуналар берилди.

Лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади, янги иш ўринлари яратилади

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида халқ билан мулоқот тизими такомиллашётгани “Халқларвар

опаётган Ирода ва Дилноза Холматовалар, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Ойгул Хуррамова, Термиз давлат университети талабалари Сарвиноз Йўлдошева ва Эркин Умировнинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Жаркўрғон тумани Истиклол маҳалласида яшовчи оғир ижтимоий аҳволдаги Манзура Каримовага юрак пороғи билан дунёга келган қизиди жаррохлик амалиёти ўтказилиши учун зарур бўлиб турган маблағ Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан тўланди.

Давлатимиз раҳбари топириғи асосида тузилган республика ишчи

гуруҳининг Сарийосиё ва Жаркўрғон туманларидаги оммавий қабулларида 1 минг 737 та мурожаат қўриб чиқи-либ, уларнинг 784 таси жойида ҳал қилинди. 341 мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилган бўлса, 612 та масала юзасидан аниқ мuddат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари назоратига олинди.

Туризм учун қулай имконият

Республика ишчи гуруҳининг Қумкўрғон, Денов, Сарийосиё, Жаркўрғон, Ангор ва Бойсун туманларидаги олти кунлик



давлат” миллий дастурини изчил амалга ошириш, “Инсон қадри учун” ғоясини ҳаётимизда тўла қарор топтиришга ҳизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилояти бўйлаб ташкил этилган мулоқотлар давомида соғлиқни сақлаш, таълим, маҳалла, оила ва хотин-қизлар, меҳнат ва бандлик каби йўналишлардаги қўллаб-масалаларга ҳам ечим топилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари билан мулоқотлардан сўнг тиббиёт соҳасига сармоя киритмоқчи бўлган қатор тadbиркорлар билан давлат-хусусий шериклик бўйича битимлар имзоланди.

— Тиббиёт соҳасида аҳолини рози қилиш мақсадида қўллаб-самарали ишлар амалга оширилаётганини барчамиз қўриб турибмиз. Tadbиркорларимизнинг маблаг и бор, қўлида бизнес лойиҳаси тайёр. Бўш турган ер ёки бинолардан самарали фойдаланиш мақсадида 8 тadbиркор ўз лойиҳаси билан келган. Бугуннинг ўзида шу ерда қурилиш бошланади, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилла Иноятлов.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъулларига мурожаатлардан сўнг турт талаба ишга жойлаштирилди. Мулоқотлар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг конт-ракт тўлови билан боғлиқ масалалар ҳал қилинди. Айтайлик, мурожаатлар ва ўрганишлар асосида Термиз давлат педагогика институтида таълим

— **ЧОРВАДОРЛАР УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАРДАН МАМНУНМИЗ, — ДЕЙДИ А.БОЗОРОВ. — БУ ИМТИЁЗЛАР ЧОРВАНИ КЎПАЙТИРИШГА, ОЗУҚА ЖАМҒАРИШИМИЗДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА. КРЕДИТНИ ТЎЛАШ МУДДАТИ 3 ЙИЛГА УЗАЙТИРИБ БЕРИЛГАН КАТТА ЁРДАМ БЎЛДИ. ЧУНКИ БУ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЧОРВА ҚАТОРГА КИРАДИ. БИЗ БЕЛГИЛАНГАН КРЕДИТ СУММАСИНИ ТЎЛАБ, ҚАРЗДОРЛИҚДАН ЧИҚИБ КЕТАМИЗ.**

Янги Ўзбекистонда “Давлат — жамият — инсон” тамойили “Инсон — жамият — давлат” сифатида ўзгариб, ҳаётимизга сингиб бораётганини ҳудудлар бўйлаб ўтказилаётган оммавий қабуллар яна бир бор исботламоқда. Бу инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг негизи, пировард мақсадига айланди, дегани. Энг муҳими, барча соҳа раҳбарларининг энг қуйи бўғинга — маҳаллаларга тушиб, халқ билан мулоқот қилаётгани тизимли муаммоларга ечим бўляпти. Сурхондарё вилоятида Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъуллари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, вазирликлар, қўмиталар ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат республика ишчи гуруҳининг воҳа бўйлаб кечган очик-жонли мулоқотлари ҳам инсонпарвар ғояларни амалда қарор топтиришга хизмат қилди.

Муаммолар бартараф этилади

Инсон бирор муаммога ечим топа олмаса ёки ёрдамга муҳтожлик сезса, давлатга мурожаат қилади. Муаммолар бартараф этилишига ишонади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Сарийосиё туманидаги “Шоҳжаҳон”, Жаркўрғон туманининг “Сурхон соҳили” маҳаллаларида кечган мулоқотлар чоғида қўллаб-муаммолар ўз ечимини топди. Олий суд ва Судьялар олий кенгаши масъулларига мурожаатлар асосида жиноят ишлари бўйича туман судлари ташкил қилган сайёр суд мажлисларида ҳар бир иш батафсил қўриб чиқилиб, барча томон тингланган, бир қатор шахслар жазони ўташдан муддатидан олдин шартли озод этилди.

Шўрчилик Рўзихол Эсонова ўғли Асадбек бир йил муддатга озодлиқни чеклаш жазосига ҳукм қилинганини айтarkan, масаласига ечим топишда ёрдам беришни сўради. Мурожаатдан сўнг бу масала атрофлича қўриб чиқи-либ, А.Рўзиев жазони ўташдан муддатидан аввал шартли озод қилинди. Бу оила ички имкониятлар ҳисобидан доимий турар жой билан ҳам таъминланди.

Алимент ундириб бериш сўралган мурожаатлар ҳам ҳал этилди. Бош прокуратура масъуллари йиллар давомида чўзилиб келаётган алимент пулларини ундириб берди. Мисол учун, Озода Сайидкулова икки фарзанди учун 1,5 йиллик алимент пулини олди.

Марказий банк масъулларига мурожаат қилган Сарийосиё тумани “Бек-трансвораси” фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси Алимардон Бозоровнинг

айтишича, чорвачилиқни ривожлантириш учун банкдан кредит олинган, бироқ турли сабабларга кўра, кредитни қайтариш биричунча қийин бўлмоқда. Мурожаатдан сўнг бу масала ҳам батафсил ўрганилиб, кредит муддати узайтирилди.

Чорвадорлар учун яратиб берилаётган имтиёزلардан мамнунмиз, — дейди А.Бозоров. — Бу имтиёзлар чорвани кўпайтиришга, озуқа жамғаришимизда қўл келмоқда. Кредитни тўлаш муддати 3 йилга узайтириб берилгани катта ёрдам бўлди. Чунки бу йиллар давомида чорва қаторга киради. Биз белгиланган кредит суммасини тўлаб, қарздорликдан чиқиб кетамиз.

Сурхондарёнинг қўп аҳолиси олис тоғли қишлоқларда истикомат қилади. Улар ҳам давлат эътиборини, ғамҳўрлигини ҳар лаҳзада сезиб яшамоқда. Оммавий қабулда “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти масъуллари вилоят марказидан 200-350 километр масофада жойлашган Сарийосиё туманининг Сангардак, Чош, Карш, Нилу, Хуфдор, Қундаижувоз, Олтинсой туманидаги Қўшарча, Катта Вахшивор сингари тоғли ҳудудлари аҳолиси билан мулоқот қилиб, суолтирилган газ таъминоти масаласини ўрганди. Аҳолига суолтирилган газ баллонлари етказиб берилди.

Жаркўрғон тумани Ёшлик маҳалла-сидаги ҳоким ёрдамчиси Юсуф Маматмуродов мурожаатидан сўнг худудда 400 метр сув қувури тортишга киришилди. Бу билан 26 та хонадон обиҳаёт билан таъминланди.

Яна бир масаланинг ижобий ечими Узун туманининг Ўзбекистон маҳалла-сида яшовчи одамларга қувонч улашди.

МУНОСАБАТ

АДОЛАТ ЙЎЛИ ШАФҚАТ ВА МУРУВВАТДИР

Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Президентимиз 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган учрашувда илгари сурган бир масала масалага алоҳида тўхталгани бежиз эмас. Асосий қонунимизга Ўзбекистонда ўлим жазоси тўла тақиқланади, деган алоҳида конституциявий норманинг киритилиши бу йўлда энг катта қадам демокдир. Тўғри, ўлим жазосини бекор қилиш масаласи ўз ечимини топган. Унинг Бош қонунимиздан ўрин олиши эса буни янада мустаҳкамлайди.

Мазкур ҳолатнинг нақадар муҳимлиги ҳақида айрим фикрларимни билдириб ўтсам. Инсонпарварлик ғоялари азалдан халқимизда улкан қадрият сифатида улғулланганини бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида келтирилган қуйидаги парчадан билиб олишимиз мумкин: “...ёмонга жазо бериш — гарчи қонун

ва сиёсат юзасидан тўғри бўлса ҳам, аммо адолатли ҳукмдорнинг асл йўли — шафқат-муруватдир. Бир шахс ўлимга қанчалик сазовор бўлса ҳам, унинг ўлимини орқага суриш, бу ҳақда шоимаслик яхши...”.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани Ўзбекистонда умуминсоний тамойиллар устуворлиги ва халқаро андозалар амалга жорий этил-



ганини билдиради. Хусусан, Конституцияимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий

қадрият ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир” деб белгиланган.

Шундай экан, жиноят содир этган шахсни жазолашдан қўзланган мақсад жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш эмас, балки уни тарбиялаш экани мамлакатимиз Жиноят кодексида ҳам ўз аксини топган. Келинг, ҳолат юзасидан машҳур француз адаби Виктор Гюгонинг парламент мажлисида ўлим жазоси ҳақида сўзлаган нутқидан олинган ҳаволани ўқиб, бир фикр юритсак: “Ўлим жазоси ваҳшийликка хос абдий белги, қаерда ўлим жазоси хуруж қилса, у ерда ваҳшийлик ҳукм суради, ўлим жазоси амалда бўлган жойда камдан-кам ҳолларда ривожланиш бўлади”.

Энди эса мазкур ҳолат юзасидан дунёдаги вазиятга эътиборингизни қаратсак: Филиппин ҳукуматининг маълумотларига кўра, 2016 йил 1 июлдан 2018 йил 30 ноябрга қадар гиёҳванд

моддалар савдосига қарши ўтказилган амалиётларда 5050 киши қатл қилинган. Human Rights Watch ташкилоти бу рақам камида 12 мингга тенг, деб қайд этган. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўн йилдан буён наркотрафикка алоқадор жиноятлар учун олий жазо тайинлаб келинган бўлса ҳам, ўлим жазоси гиёҳванд моддалар савдогарларини мутлақо қўрқувга солмаган. Naft Reduction International тадқиқот гуруҳи таҳлилчиси таъкидлашчи, “мазкур жиноят учун қатл этилганларнинг аксарияти гиёҳванд моддаларнинг оддий ташувчиси ҳисобланади. Гиёҳванд моддалар савдосидаги ташувчиларни осонгина алмаштириш мумкин. Уларни йўқ қилиш наркобизнес моделига ҳеч қандай жиддий таъсир қилмайди”.

Яъни Филиппинда ўлим жазосининг қайта тикланиши гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар камайишига ёрдам бермаган, аксинча, жиноят кўпайиб, қатл этилган инсонлар сони ортган. Бундай ҳолат Малайзия, Вьетнам ва Эронда ҳам кузатишган. Мазкур давлатларда ҳар йили ўнлаб қатллар амалга оширилган, лекин

тизмалари орасидаги Тешиктош ғори негизда, Шаҳноза Абдурахмонова Юқори Мачай қишлоғидаги булоқлар атрофида туристик манзиллар барпо қилиш масаласида амалий ёрдам сўради. Туризм ва маданий мерос вазирлиги масъуллари ҳар икки мурожаатни жойига чiqиб ўрганди ва шу асосда мазкур масаланинг комплекс ечимини назарда тутадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқадиган бўлди.

— Болалигимдан туризм йўналишига қизиқаман, — дейди Ш.Абдурахмонова. — Пуриқор тоғлар табиати ҳар қандай сайёҳни ўзига жалб қилади. Бундан ташқари, улар бу ерда яшовчи аҳолининг турмушини қўришни, урф-одатлари, миллий анъаналари, таомлари билан танишишни истайди. Шу маънода, чет элдан келадиган сайёҳлар учун миллийлигимизни намойиш қилиш мақсадида ўтовлар ташкил қилмоқчиман. Мақсадим, 25 га яқин иш ўрни яратиб, ёшларни доимий иш билан банд қилиш.

Худуд ривожланмоқда, янги ташаббуслар туғилмоқда

Дарвоқе, ўтган беш йил ичида ташкил қилинган оммавий қабуллар туфайли Бойсуннинг Мачайида ҳам мустаҳкам инфраструктура барпо қилиняпти. Бу худуд ривож учун янги-янги ташаббусларга асос бўлмоқда.

— Бундан роппа-роса беш йил олдин мана шу ерда сайёр қабул ўтказилганди, — дейди меҳнат фахрийси Аҳмад Эргашев. — Эсимда, ярим тунгача давом этган қабулларда қўллаб-одамларнинг йиллар давомида ечимини кутиб ётган масалалари ижобий ҳал бўлганди. Мана, беш йил давомида худудимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Электр тармоғида узилиш бўлмайди. Газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Йўлларимиз равоон. Тоза ичимлик сув келтирилди. Бу ўзгаришлар, албатта, кайфиятимизга ҳам таъсир кўрсатяпти. Одамлар ўз ҳаётидан рози.

Қурилиш вазирлиги масъулларига мурожаатлардан сўнг қизирлиқ Сафаровлар оиласи 45 йилдан буён яшаб келаётган нотураб бинони кадастр режасида кўрсатилган чегараларига асосан, фойдаланиш учун турар жой тоифасига ўтказишда ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатилди. Бир оиланинг 45 йиллик масаласи ҳал қилинди.

Ангорлик Дилдора Қурбонназарованинг эса бир мурожаати асосида 6 та масаласи ҳал қилинди: ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлга болалар нафақаси олиши учун ҳужжатлар, фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ўзига паспорт расмийлаштирилди. Шунингдек, субсидия асосида 3 сотихли иссиқхона қуриб бериладиган, ўзига моддий ёрдам, сингисига тикув машиниси ажратиладиган бўлди.

Бойсунлик 25 ёшли гиламдўз Назоқат Собировога Бойсун марказидаги гиламчилик цехи фаолиятини кенгайтириб, Юқори Мачай қишлоғида ҳам фабрика барпо қилиши учун 10 та тўқув дастгоҳи олиб берилади. Бу лойиҳа яна давом эттирилиб, олис тоғ худудидаги хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг самарали дастурига айланади.

Мурожаатлар асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож 13 талабанинг контракт тўлови тўлаб берилди, қўллаб-талабалар ишли бўлди. Умуман, қабуллар давомида 68 мурожаатчи ишга жойлаштирилган бўлса, термизлик Ирода Сафарова сингари бир қатор инсонлар иккинчи мутахассислик бўйича қайта тайёрловга қайтарилди.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарё вилоятида олти кун давомида ташкил қилинган мулоқотларда кўтарилган 4 минг 307 та масаланинг 1 минг 924 таси ижобий ҳал қилинди, 850 нафар мурожаатчи ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 1 минг 533 та масала бўйича аниқ мuddат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

гиёҳванд моддалар таъсирига берилиб қолган инсонлар сони наркотрафик учун ўлим жазосини бекор қилган давлатлардагидан сезиларли даражада қўп бўлган.

Ўлим жазоси белгиланган давлатларда коррупция ҳолати камаймаган, аксинча, бу жазо йўқ давлатлар коррупцияга қарши курашишда ижобий кўрсаткичларга эришганини қўриш мумкин. Масалан, Финляндия ва Дания давлатларида ўлим жазоси мавжуд бўлмаса-да, коррупция кўрсаткичлари жуда паст.

Юртимизда ўлим жазоси бекор қилингани инсонпарварлик ва бағрикенглик, халқаро ҳуқуқ меъёрлари умумэтироф этилган тамойилларининг бажарилиши ифодасидир. Шунингдек, ўлим жазоси халқимизга хос кечиримлилик фазилатига ёт тушунча. Ундан кўра, жамиятимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган таълим, фарзандларимиз тарбияси, ёшларимиз ҳуқуқий онгини юксалтириш масалалари устида бош қотирсак, жамиятимизда шу каби ёмон ҳиссийётлар вужудга келишига сабаб бўладиган инсонлар етишиб чиқишининг олдини олган бўлаемиз. Бу ҳақиқат янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган инсонпарвар, одилона сиёсатнинг марказий масалаларидан бирига айланиб улгургани келажакимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.



НУҚТАИ НАЗАР

ЗАМОНАВИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланади

**Муродулла ХОЛМУҲАММЕДОВ,
Меҳнат тадқиқотлари институти директори,
техника фанлари номзоди, доцент**

Ўзбекистон 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастурини муваффақиятли яқунлаб, ўз тараққиётининг янги босқичига, иккинчи фаслига қадам босди. Барча соҳалардаги ислохотларга мустаҳкам пойдевор қўйилиб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўз навбатида, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Эндиги вазифа ҳар бир йўналиш бўйича бошланган янгиланишларни янада чуқурлаштириш, жадаллаштириш ва тақомиллаштиришдан иборат. Худди шу тадрижий босқич барча соҳада бўлгани каби профессионал таълим тизимида ҳам рўй бермоқда.

Аввало, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида янги профессионал таълим тизимини замон талабига мос форматда ташкил этиш, шаклан ва мазмунан янги профессионал таълим муассасалари тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ўтган икки йилда янги тизимнинг барча ҳуқуқий асоси яратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлуқсиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан Узлуқсиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низом, Бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган касб-хунар мактабларининг намунавий устави, Ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган коллежларнинг намунавий устави ҳамда Ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган техникумларнинг намунавий устави тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатлар асосида ўқув жараёни халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган таълим дастурлари асосида ташкил этиладиган уч тоифадаги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди.

Биринчидан, 2020/2021 ўқув йилидан эътиборан, профессионал таълим тизимида юртимиз бўйича 710 та таълим муассасаси, жумладан, 330 та касб-хунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум иш бошлади.

Айни пайтда касб-хунар мактабларида таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг учинчи даражасига мос келувчи 2 йиллик таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчилари бошланғич профессионал таълим олмақда. Уларда устувор йўналиш сифатида оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш,



Энг муҳими, кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилди. Яъни мамлакатимизда илк бор Миллий квалификация рамокси, тармоқ квалификация рамкалари, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандартлари ва дастурлари тасдиқланиб, жорий этилди.

Таълим стандартларини касб стандартлари асосида шакллантириш йўлга қўйилди. Бу борада “Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш” Ўзбекистон-Швейцария лойиҳаси томонидан юртимизда профессионал таълим тизимини тақомиллаштириш механизmlарини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик ҳам ўрнатилди.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда ҳам бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, таъбир

жадаллаштириш кўзда тутилган. Камбағалликни бартараф этиш, ишсизлик даражасини 2030 йилда 5,2 фоиз, инфляцияни эса 15,2 фоиздан 4,3 фоизга пасайтириш мақсад қилинган.

Бу рақамлар, ўз навбатида, яқин келажда минглаб янгидан-янги иш ўринлари очилиши, инвестициялар билан бирга кириб келадиган янги технологиялар жорий этилиши, юқори малака ва кўникмага эга ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёж икки-уч баробар ортишдан далолат беради.

Бу ҳали фақат маҳаллий меҳнат бозоридagi таркибий ўзгариш ва ўсиш кўрсаткичларининг профессионал таълим тизими олдига қўйган талаби, ҳолос. Бундан ташқари, халқаро меҳнат бозоридagi талаб ва тақлифининг ўзгариши, глобаллашув ва интеграцион жараён тезлашиши, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инкилоблар инобатга олинса, шунга мос равишда замон талабларига жавоб бера оладиган кўникма ва малакага эга, рақобатбардор мутахассисларни тайёрлаш масаласининг долзарблиги янада ошади.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари профессионал таълим мазмуни, сифати, таълим дастурлари ва технологиялари модернизациясини иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига мос равишда интенсификациялаштириш, тақомиллаштириш ва сифат даражасини ошириш лозимлигини алоҳида таъкидламоқда.

Президентимиз айтганидек, мамлакат миқёсида тўқимачилик, қончилик, электро-техника, кимё ва бошқа саноат тармоқларида, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва сервис, қурилиш, тадбиркорлик соҳаларида йирик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Албатта, шу ислохотлар самараси ўлароқ, 2022 йилнинг ўзида 16 миллиард долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилади. Уларга 300 мингга яқин малакали ишчи қабул қилиниши, камбағалликни икки баробар қисқартириш бўйича белгиланган ями марралар, ҳар йили юртимиз бўйича 500-600 минг нафар ёшнинг меҳнат бозорига кириб келиши ва уларга ҳам даромад топиш учун муайян касб ўргатиш лозимлиги, фақат ва фақат шу орқали натижага эришиш мумкинлиги кўндек равшан.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичига мос келувчи ўқув дастурларини яратиш жараёнида дунё тажрибаси ва амалиётини инобатга олиш ҳам ислохотларнинг зарурий шартларидан бири бўлиши лозим. Энди талаба ёки битирувчига “Диплом олиш учун нима қилиш керак?” деган савол эмас, “Диплом олдандан кейин нима қилиш мумкин?” деган савол устувор аҳамият касб этиши керак.

Юртимизда янги профессионал таълим тизими жорий қилинганига ҳам 2 йил бўлди. Яқинда бу тизимнинг биринчи қалдирғочлари илк битирувчилар сифатида меҳнат бозорига кириб келади. Албатта, шу қисқа даврда бу тизим чуқур тадқиқ этилди, натижа ва ҳулосалар олинди, бажарилган ишлар мониторинг қилинди. Меҳнат бозорини ривожлантириш, унинг таркибини шакллантириш бўйича амалга оширилган ислохотлар фонида Миллий малакалар Халқаро даражадаги малакалар билан тенглаштирилади, 8 та мос даража билан белгиланди. Профессионал таълимга касб стандартлари деган янги категория жорий этилди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан янги профессионал таълим тизими олдида бутунлай янги, замонавий мақсад



ва вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифа ёшларни даромад олишга ўргатишдан иборат бўлади. Чунки ҳаётнинг, тирикликнинг, тараққиётнинг манбаи — даромад. Камбағаллик ҳам даромад йўқлиги билан боғлиқ. Пул топишнинг эса иккита йўли бор: қонуний ва ноқонуний.

Қонуний даромад қилиш учун, албатта, бирор турдаги маҳсулот, масалан, аграр соҳада бўлса, мева-сабзавот, сут, гўшт, асал, балиқ маҳсулотлари етиштириш ёки нимадир ишлаб чиқариш керак. Мисол учун, дурдгорлик орқали эшик-дераза, тикувчилик ортидан кийим-кечак ишлаб чиқариш ёки бирор хизмат кўрсатиш лозим. Даромад қилишнинг оддий алгоритми шу.

Пировард натижада сифат ва самарага эришилса, яъни профессионал таълим дастурини тугатган битирувчи индивидуал тарзда даромад қилишни эплай олса, ҳеч қачон камбағаллик қопқонига тушмайди.

Ҳар бир битирувчи яқка тартибда муайян турдаги маҳсулот етиштириб, ишлаб чиқариб ёки хизмат кўрсатиб даромад топса, ялпи ички маҳсулотга ҳам ҳисса қўшади. Бу, сўзсиз, иқтисодий юқалишга олиб келади ва киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот индикатори бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги кўрсаткичи ошишига хизмат қилади.

Шу маънода, ёшларимизнинг қайси қўламдаги ёки турдаги бизнес субъектида ишлаши иккинчи даражали масала. Энг асосийси, у ёки бу маҳсулотни етиштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш учун битирувчилар унинг технологиясини билиши керак.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги профессионал таълимнинг олдига қўйилган функционал вазифа ҳам шу — ёшларга маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш технологиясини ўргатишдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, бизга фарзандларимизни ўз имконияти ва иқтидоридан келиб чиқиб, муайян касб эгаси сифатида қонуний йўл билан даромад қилишга ўргатишнинг ягона механизми, тизими керак. Шу жиҳатлари билан профессионал таълим умумий ўрта ва олий таълимдан тубдан фарқ қилади.

Шу кеча-кундузда барчамиз мамлакат миқёсидаги кичик, ўрта ва йирик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида дадил қадамлар ташланаётганига ғувоҳмиз. Биргина яқка тадбиркорнинг мақоми оширилгани, 5 кишигача ёлланма ишчи ишлатишга ваколат берилгани, оилавий бизнес, томорқа бизнеси, кооперация тизими жорий этилиши, қасанчилик механизми янги формат ва шаклларда ривожлантирилаётгани, меҳнат миграцияси соҳасидаги ислохотлар — буларнинг барчаси оддий одамларга даромад топиш учун яратилаётган улкан имконият. Хавфсиз, самарали, қонуний даромад топиш учун эса, албатта, муайян касбни пухта эгаллаш талаб этилади.

Буларнинг барчаси муносиб касб, муносиб турмуш тарзи, муносиб меҳнат, фарон ҳаёт ва буларни таъминловчи муносиб даромад тамойилларига таянади. Шунинг учун профессионал таълим тизимида таълим технологиялари, ўқитиш методикаси, методологиясини ҳам ўзига ҳосликка эга.

Президентимиз айнан шу масалаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, профессионал таълимни ривожлантириш жамғармасыни ташкил этиш, худудларда касб-хунар таълими кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш, олийгоҳларда ўқитилаётган айрим мутахассисликлар бўйича кадрларни техникумларда тайёрлаш, педагог-ўқитувчилар ойлик маошини кўтариш, дуал таълим асосида ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида ишлаши учун шарт-шароит яратиш каби қатор масалалар юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Бу сазй-ҳаракатларнинг барчаси келгусида профессионал таълим тизимини иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айлантириш, пировардида касб-хунар ўргатадиган муассасалар мамлакат иқтисодиётини юқсалтириш учун зарур билим, малака, кўникма ва компетенцияларни шакллантирадиган, эшиги барчага очик, тақомиллаштирилган ва янги форматда ташкил этилган технологик марказлар сифатида фаолият юритишини таъминлашига шубҳа йўқ.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Ўзбекистонни инновациялар соҳасидаги глобал рейтингда илгор 50 та мамлакат рўйхатида киритишга қаратилган стратегик дастур тасдиқланди.

ИННОВАЦИЯ САРИ ШАХДАМ ОДИМЛАР

2020 йил 24 июлда кучга кирган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун юртимизда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари белгилаб берди. Инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шунингдек, истиқболли илмий тадқиқотлар тақдими, уни амалиётга жорий этиш ва саноатда ўзлаштиришни рағбатлантириш механизми тақомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса иқтисодиёт тармоқлари ва худудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш-ни жадаллаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарорга асосан, вилоятларда Инновацион ривожланиш вазирлигининг инновацион ривожланиш бошқармалари ташкил этилди. Бошқармаларга худудларда илм-фан ва инновацияларни жорий қилиш бўйича устувор вазифалар юкланди.



Ўтган давр мобайнида Жиззах вилоятида умумий қиймати 10,7 миллиард сўмлик 10 дан зиёд стартап, инновацион, илмий ва амалий лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 5 турдаги инновацион маҳсулот яратилди. Вилоятнинг Дўстлик тумани инновацион худудга айлантирилди. Вилоят инновацион ривожланиш худудий бошқармаси ташаббуси билан туманда “Agro food supply” МЧЖ томонидан шўрланган тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашда амарант ўсимлигидан оптимал фойдаланиш технологиясини ва чорвачилик учун зарур бўлган озуқа базасини яратишга қаратилган лойиҳа йўлга қўйилди. Лойиҳани қўллаб-қувватлаш ва муваффақиятли амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 100 миллион сўм ажратилди.

Бугунги кунда мазкур лойиҳа асосида бир кунда 400-500 килограмм оқсилга бой ем ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 5 кишининг бандлиги таъминланди.

Туманда “Shertrade” МЧЖ томонидан балиқ маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаси ҳам ишга туширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,3 миллиард сўм бўлиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги уни қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм ажратган.

Лойиҳа тўлиқ бажарилиши натижасида маҳаллий шароитда балиқчилик учун хомашё тайёрлаш, балиқдан олинадиган технологик маҳсулотларнинг янги намуналарини ишлаб чиқариш, саноатда инновацион технологияларнинг иҳчамлаштирилган тармоқларини шакллантиришга эришилади.



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги “2022-2026 йилларда Жиззах вилояти худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Жиззах шаҳрида “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилган.

Технопаркда 8 та стартап акселератор, 4 та бизнес инкубатор, 4 та ишлаб чиқариш майдон, 12 та коворкинг марказ, шунингдек, ўқув марказлари ва лабораториялар очилиши белгиланган. Ушбу марказлар йўналишларини белгилашда худуднинг хусусияти, меҳнат ресурслари, табиий бойликлари ва драйвер соҳаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқиш ва жойлаштириш назарда тутилган.

— Жорий йилнинг январь ойида Жиззах шаҳри Шодлик маҳалласида “NazzAR” инновацион стартап лойиҳасининг илк электрон музейи яратилди, — деди вилоят худудий инновацион ривожланиш бошқармаси бошлиғи Бобур Қодиров. — Бундан кейин ҳам вилоятнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш учун қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Янги истеъодларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш, янгича технологик фаолият самарадорлигини ошириб бориш мақсадида турли танловлар ва тадбирлар ташкиллаштириб келинмоқда.

Ўзбекистон илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олишни мақсад қилган. Шу боис, инновацион илмий тадқиқотлар, гоё ва ишланмалар давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги илк ишлар сарҳисоби ва келажакдаги режалар таълими мақсад сари шахдам одимланаётганидан дарак беради.



чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби иқтисодиётимизда муҳим ўрин эгаллаган 200 дан ортқ ишчи касб бўйича мутахассислар тайёрланапти.

Коллежларда эса таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг тўртинчи даражасига мос келувчи, касбларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, 2 йилгача бўлган муддатда ўқитишга мўлжалланган таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим мутахассислари сабоқ олмақда.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тасарруфида фаолият кўрсатадиган ва шу соҳадаги аниқ иш ўрни учун мутахассислар тайёрлайдиган ушбу коллежларга мактабларнинг 11-синф битирувчилари қабул қилинади.

Коллежларда Германия тажрибасида яхши самара берган дуал таълим тизими жорий этилди. Яъни ўқувчилар ҳафтанинг муайян кунлари коллежда назарий билим олади, бошқа кунлари корхонанинг ўзида бириктирилган уста раҳбарлигида тўғридан-тўғри иш ўрнида амалиёт ўтади.

Техникумларда таълимнинг Халқаро стандарт таснифлагичининг бешинчи даражасига мос келувчи, бакалаврият таълими йўналишлари билан интеграциялашган, кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида каммида 2 йилга мўлжалланган таълим дастурлари асосида 11-синфни тугатган ёшлар ўқитилади.

